

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

“ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ”

Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчisi

E-mail: sarvarbekmuhammadiyev@gmail.com

Рақамлаштиришнинг аҳамияти ҳақида гапирап эканмиз, унинг тадрижий ривожланишини муҳокама қилиб, жамиятнинг турли жабҳаларида, шу билан бирга, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг жиноят-процессидаги муайян фаолиятини босқичма-босқич соддалаштиришга хизмат қиласиган жиҳатлари ва долзарблиги ҳақида фикр юритиш жоиз.

Маълумот ўрнида, “тадрижий” сўзи секин-аста, босқичма-босқич содир бўладиган, эволюцион деган маъноларни англатади [17].

Энг аввало, рақамлаштиришнинг жамият ҳаётида юзага келиши билан боғлиқ тарихи ҳақида фикр юритсак.

Умуман олганда, рақамлаштиришнинг пайдо бўлиши ҳақида яқдил фикр билдириш мушкул. Айримлар унинг дастлабки ифодасини сонларда акс этгани билан боғласа, айримлар уни ўтган асрнинг ўрталарида юзага келган жараён деб ҳисоблашади.

“Рақамлаштириш” атамаси “**рақам**” сўзидан келиб чиққанлиги, унинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалиши ҳақида ҳам фикрлар мавжуд.

“Рақам” атамаси қадимги “Тош асли”да пайдо бўлиб, одамлар бу даврда обьектлар сонини аниқлай бошлашган. Бу жумла пайдо бўлишидан олдин инсонларда ҳисоблаш ғояси юзага келган.

Рақамлар сонларда акс этдиган шартли белгилар бўлиб, қадимда улар сўзлар орқали ифодаланган. Халқларнинг ижтимоий хўжалик ҳаёти ривожланиши билан мукаммал белгилар ва ҳисоблаш тизимларига эҳтиёж туғилган.

Энг қадимги рақамлар бобиллик ва мисрликларга мансуб бўлиб, Миср иероглифларида (милоддан аввалги 3000 - 2500 йй.) сонларни ифодалаш учун маҳсус расмли белгилар, кейинроқ иератик ва демотик ёзувлар пайдо бўлган. Бобил рақамлари (милоддан аввалги 2000 йил боши), асосан, 1, 10, 60 ва 100 ни

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

билдирувчи миҳхат белгиларидан ташкил топган бўлиб, бошқа барча рақамлар шулар асосида ифодаланган.

Миср иератик ёзувидан Яқин ва Ўрта Шарқдаги барча ёзувлар ҳамда Юнон Иония ёзуви, шу билан бирга, алифбога асосланган рақамлар келиб чиқкан. Ҳозирги рақамларнинг тимсоллари (ноль билан биргаликда) Ҳиндистонда милодий IV асрда юзага келган. Браҳми рақамларидан ҳинд гвалиор рақамлари, ундан эса араб рақамлари келиб чиқкан.

Араб рақамлари шарқий ва ғарбий рақамлардан иборат бўлиб, Шарқий араб рақамлари Миср, Эрон ҳамда Афғонистонда, ғарбий араб рақамлари эса Мисрдан ғарбдаги мамлакатларда қўлланилган.

Европада IX асрдан бошлаб ғарб рақамлари тарқалиб, тезда оммалашган. Бироқ, Шарқ мамлакатларида ғарб рақамлари XIX асргача кенг фойдаланилмаган [15].

Қадимда шумерлар биринчилардан бўлиб рақамларни ёзиш ғоясини илгари сурғанлар. Рақамни кўрсатиш учун улар тегишли белгига эга бўлган фақат иккита рақамдан фойдаланишган. Бундай рақамли тизим ҳозирда иккилик деб аталади. “Рақам” сўзи эса, илк бор арабларда ишлатилган бўлиб, улар ноль ёки бўшлиқни “рақам” деб аташган [16].

“Барча нарса сондан иборат”, “Дунёни рақамлар бошқаради” иборалари, тахминан, милоддан аввалги 580-500 йилларда яшаган Пифагорга тегишли.

У жисмлар табиатини тадқиқ қилишда рақамлар ва сонларнинг хусусиятларини ҳам таъсири бор деб ҳисоблаган. Ҳаттоқи, инсоннинг кундалик ҳаётига ҳамда борлиқнинг “адолат”, “доимийлик”, “эркак”, “аёл”, “яшаш”, “ўлим” каби абадийликка даҳлдор тушунчаларини ҳам у сон ва рақамлар воситасида тушунтиришга ҳаракат қилган.

Пифагор бирдан тўққизгача бўлган барча рақамларни изоҳлаб чиқкан. Масалан, 1 рақами ёлғизлик, бир бутун, бутун олам маъносини билдирса, 2 рақами зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятли олам, бир бутуннинг икки зиддиятли томонлари, катта-кичик, туғилиш ва ўлим, узоқ-яқин, эркак-аёл тушунчаларини англатган. Зиддиятлардан бири мавжуд бўлмаса, уларнинг иккинчиси ҳам бор бўлмайди.

Шунингдек, Пифагор таълимотида рақамлар моҳиятида тенглик ваadolat мезонлари борлиги таъкидланган: улар учун доимиийлик рамзи - 9 рақами бўлган. Чунки, 9 нинг барча қўпайтмаларидағи рақамлар кетма-кетлиги

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

кўшиб чиқилса, йифинди доимо яна 9 га teng бўлади. Масалан, $9 \times 16 = 144$, $1 + 4 + 4 = 9$ ва ҳоказо [18].

Ўтган асрларда ривожланган саноат инқилоби, жаҳон урушлари, совуқ уруш, бозор иқтисодиётига ўтиш тенденциясининг кучайиши каби омиллар бугунда кунда аҳамияти тан олинаётган рақамлаштиришнинг юзага келиши ва янада ривожланишига сабаб бўлган деб айтиш мумкин.

Бу эса, одатий ҳаёт тарзини яхшилаб, алоқа усулларининг ўзгаришига, ҳарбий соҳа, таълим, хизматлар кўрсатиш, тиббиёт, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, юриспруденция ва бошқа соҳаларда ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Маълумотларни тезкорлик билан етказиш қурилмасини яратиш фикри илк бор 1950 йилларда АҚШда юзага келган бўлиб, бундай ғоя ҳарбий ҳаракатларда тезкор ахборот етказиш мақсадини кўзлаган. Ушбу лойиҳага масъул этиб АҚШ Мудофаа вазирлиги белгиланган.

Шу сабабли, АҚШда “АРПА” номли агентлик ташкил этилиб, ушбу агентлик фаолиятидан мақсад тармоққа бирлаштирилган компьютерлардан фойдаланиш бўлган. Унинг техник имкониятларига кўра, агарда тармоқлардан бири ишдан чиқса, қолгани автоматик ишлаш имкониятига эга бўлган. Бу эса, ҳар қандай хабарни зудлик билан тегишли манзилга етказиш имконини берган.

Синовларга 1969 йилнинг 29 октябрь санасида рухсат берилган бўлиб, 640 км. узоқликдаги масофада жойлашган икки компьютер ўртасида “LOGIN” сўзи бошқасига жўнатилган ҳамда иккинчи уринища бунинг уддасидан чиқилган. Шу тариқа, интернет пайдо бўлишининг расмий санаси 1969 йилнинг 29 октябри ҳисобланади.

Биринчи электрон хабар дастурчи Рей Топмлинсон томонидан тузилган бўлиб, бундай хабар 1971 йилда илк бор хабарни қабул қилувчига йўлланган.

Дунёдаги энг биринчи сайт эса, 1991 йилнинг 6 августида Том Бернерс-Ли томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, сайт ахборот матни веб-саҳифа кўринишида бўлган.

Илк мобиЛЬ интернет эса, 1998 йилда пайдо бўлган ва 2000 йиллардан бошлаб кенг қўлланила бошлаган [19].

Сўнгги йилларда, айниқса, коронавирус пандемиясининг (Covid 19) пайдо бўлиши ва унинг бутун дунёга таъсири ҳаётнинг турли жабҳаларида

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

рақамлаштиришни кенг жорий қилиш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш жараёнини тезлаштириб юборди.

Янги технологияларнинг кенг жорий этилиши тенгсизлик ва рақобатнинг кучайишига ҳам сабаб бўлди. Улардан бири шахслар ўртасидаги рақобат бўлса, иккинчиси шахслар ва рақамли дастурлар ўртасидаги рақобатга айланди. Рақобатнинг иккинчи турида рақамли дастурлар инсонлар имкониятларидан анча афзалликларга эга бўлиб, одамлардан ўзиб кетмоқда.

Бунинг салбий томони инсонлар рақамли технологиялар, хусусан, компьютерлар, машиналар, интернет ва бошқаларга тобора қарам бўлиб қолмоқда. Инсоннинг рақамли муҳит билан доимий алоқаси ва унга мослашиш зарурияти эса, жамият қадриятларининг ўзгаришига олиб келди.

Мантиқий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, кишилик жамиятида узоқ ҳукм сурган жараён кўпчилик учун бирдек эътироф этиладиган қадриятларга айланади.

Рақамлаштириш даврида асосий қадриятлар сифатида технология ва рақамли ресурслардан чексиз фойдаланиш ва шахснинг атрофдаги рақамли муҳитга мослашишини кўришимиз мумкин.

Том маънода, рақамлаштириш инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар пайдо бўлишига ҳам таъсир қилди.

Рақамлаштиришнинг юртимиизда кенг қўлланилиши ҳам ўзига хос босқичларни босиб ўтиб, бу жараён мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланди. Кисқа вақт ичida парламентимиз томонидан рақамлаштириш борасида хуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу ҳақидаги устувор қоидалар белгиланиб, ушбу қомусий ҳужжатнинг янги таҳрирдаги 33-моддасида ҳар ким исталған ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш хуқуқига эгалиги, давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилди [1].

Шу билан бирга, рақамлаштириш фаолияти соҳасига бевосита тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 йилдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”, 29.04.2004 йилдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ва 09.12.2015 йилдаги “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди [20].

Бундан ташқари, хуқуқ соҳасида ва айнан жиноят процессида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалаларига оид концептуал асослар ва

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган нормалар яратилди.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони билан “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланиб, Фармонда масъул идораларга суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаси қўйилди [6].

Шундан сўнгти барча йилларнинг номланиши билан боғлик давлат дастурларида ҳам суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар фаолиятида замонавий ахборот-технологияларини кўллаш масаласи диққат марказида бўлди.

Президентимизнинг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 14.03.2017 йилда қабул қилинган ПҚ-2833-сон қарорининг 2-бандида идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмасиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш хуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга оширишда давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди [11].

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори қабул қилиниб, у билан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланди [12].

Мазкур қарор билан жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифаларидан бири сифатида мутаҳкамлаб қўйилиб, Бош прокуратура, Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг “Электрон жиноят иши” дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.

Қарор билан тасдиқланган Концепцияда суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

даражада эканлиги танқид остига олиниб, масъуллар олдига суд-тергов фаолиятида, хусусан, “Электрон жиноят иши” ва “масофадан сўроқ қилиш” тизимларини жорий этишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шу асосда, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида “Электрон жиноий-хуқуқий статистика” “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” каби бир қатор ахборот тизимлари ишлаб чиқилиб, бугунги кунда масъул органлар томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Президентимизнинг 10.08.2020 йилдаги ПФ-6041-сон Фармони билан жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди [8].

Рақамлаштиришнинг концептуал асосларини белгилаб берувчи яна бир норматив-хуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони қабул қилинди [10].

Фармон билан тасдиқланган Стратегиянинг 84- ва 87-бандларида судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга ошириш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, қадр-қиммати ва хуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш мақсадида ягона электрон реестр яратиш орқали жиноят иши қўзғатилишидан тортиб иш юзасидан хукм чиқарилгунига қадар бўлган жараённи индивидуал рақам ва QR коди орқали кузатиб бориши имкониятини жорий қилиш, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш фаолиятини замонавий технологиялар ва сўнгги илмий ютуқларни жорий қилиш орқали тўлиқ рақамлаштириш, жиноят ишлари ва материалларнинг электрон шаклдаги нусхасини тўлиқ юритиш ва ушбу ишлар бўйича электрон ҳужжат алмашинувини таъминлаш каби вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг ўзида ҳам замонавий ахборот технологияларини қўллаш масалаларида индивидуал нормалар ўз аксини топди [2].

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

ЖПКнинг дастлабки таҳриридаёқ овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир, фотосуратлардан иборат материаллар, баённома ва бошқа ҳужжатлар далил сифатида эътироф этилди (81-модда).

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-470-сонли Қонунига асосан, ЖПКнинг 91-моддаси 4-қисм билан тўлдирилиб, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги белгиланди [3]. Кейинчалик, ушбу қисм қўшимчалар билан ҳам тўлдирилди.

Шунингдек, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчилар иштирокидаги сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш ва юзлаштириш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сонли Қонуни билан ЖПКга 91¹-91⁴-моддалар қўшимча киритилди [4].

Бунда, шахснинг соглиги ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилиши ва тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча ҳаражатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бу билан амалиётда юз берәётган бир қатор муаммоларга барҳам берилди.

Жиноят процессида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида иштирок этувчи ҳимоячини танлаш билан боғлиқ масала ҳам узоқ йиллардан бўён муаммоли масалага айланган эди.

Хусусан, амалиётда суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда судлар томонидан холислик қоидаларини четлаб ўтган ҳолда, жиноят процессида ўзларига таниш ва “муаммо туғдирмайдиган” ҳимоячиларни ишга жалб қилиш каби ҳолатлар кўплаб учраган.

Бунинг натижасида, бир томондан, аслида кўрсатилмаган юридик хизматлар учун давлат бюджети маблағлари талон-торож қилинган бўлса, иккинчи томондан жиноят ишида тортишувчанлик принципига зид равища шахс ҳукуқлари ҳимоясини таъминлаш масаласи бир четга суриб қўйилган.

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

Кўплаб муҳокамалар натижаси ўлароқ, бу масалага рақамлаштириш имкониятларини қўллаш борасида янги нормалар киритиш орқали ечим топилди.

Хусусан, 27.02.2024 йилда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ти ЎРҚ-915-сон Қонуни қабул қилиниб, ЖПКнинг 50-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [5].

Янги қоидаларга мувофиқ, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритилиши, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат мазкур ахборот тизими орқали автоматик танланиши белгиланди.

Таҳлилларда суриштирув ва дастлабки тергов босқичида рақамлаштиришни жорий этиш масаласи ЖПКда алоҳида норма сифатида киритилиши билан бирга, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Электрон жиноий-хуқуқий статистика ягона ахборот тизими. Таъкидлаш жоиз, ҳар бир соҳада бўлгани сингари, масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳам ҳисоби юритиб борилади.

Бу тартиб қайси тоифадаги жиноятлар ўсиб бораётганлиги, ушбу жиноятларни айнан қандай тоифадаги шахслар содир этаётганлиги, жиноятчиликка қарши қураш борасидаги тадбирлар аҳволи худудларда қай даражада ташкил этилганлиги ҳақида таҳлилий маълумотларни жамлашга ёрдам бериб, умуман олганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Албатта, бу жараёнда суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятининг ўрни муҳим ҳисобланади.

Яқин йилларгача бу жараён рақамлаштиришдан ҳоли бўлиб қолган эди. Чунки, статистик маълумотлар қўлёзма “карточкалар” орқали тўлдирилиб, ундаги маълумотларнинг тўлиқ шаклланиши бирмунча вақт оларди, содда қилиб айтганда, бундай маълумотлар реал вақт режимида онлайн шаклланмасди.

Карточкалар ички ишлар органларидағи статистик фаолият билан шуғулланувчи ходимларга тақдим этилиб, улар орқали ички ишлар органларининг марказий маҳкамаларига топширилган ва шундан сўнг

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

маълумотлар ой якуни ҳисоботида шаклланган. Ҳаттоқи, жиноят ишига рақам бериш масаласи ҳам инсон омили аралашувида амалга оширилган.

Шу сабабли, жиноятларни ўз вақтида ҳисобга олиш, тизимли таҳлилларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги ПФ-5566-сон Фармони билан жиноий-хуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилди [7].

Мазкур Фармонга кўра, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари ҳаракатланишининг ягона ҳисоби Бош прокуратура томонидан амалга оширилиши (*сўнгра, 26.03.2021 йилдаги ПФ-6196-сон Фармон [9] билан мазкур ваколатлар Ички ишлар вазирлигига ўtkazilgan*) белгиланиб, “Электрон жиноий-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизими жорий этилиши белгиланди.

Шу асосда, 2018 йил 30 декабрь қуни Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Миллий гвардиянинг қарори билан “Электрон жиноий-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди [14].

Мазкур низомга кўра, ушбу ҳужжат статистик карточкаларнинг электрон шаклларини тузиш орқали терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда жиноят ишлари бўйича суд қарорлари ижроси натижалари, жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар ва жабрланувчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобининг ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати ва божхона органлари, Миллий гвардия, судлар ҳамда жазони ижро этиш бўйича ваколатли органлар томонидан “Электрон жиноий-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизимининг шакллантирилиши ва юритилиши тартибини белгилаши назарда тутилган.

Фармонга мувофиқ, мазкур тизим орқали статистик карточкаларнинг электрон шаклларини тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритиш белгиланган.

Прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўртасида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмашув шаклини, шу жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш йўли билан жорий этиш, шунингдек, жиноий-хуқуқий статистикани юритиш

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва уни шакллантириш жараёнида инсон омилини истисно этиш мақсад қилинганд.

Бугунги кунда суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мазкур ахборот тизими юритиб келинаётган бўлиб, унда нималар қамраб олингандигига эътибор қаратамиз.

Ахборот тизимида “мониторинг ойнаси” мавжуд бўлиб, унда республика ёки муайян худуд бўйича статистик маълумотлар шаклланган. Ушбу статистик маълумотлар жами жиноятлар, уларнинг ҳар 100 минг аҳолига нисбатан салмоғи, аниқланадиган ва олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар, жиноятлар таснифи, шахслар сони ва тоифаси (*эркаклар, аёллар, ёшлар, вояга етмаганлар, ишсизлар, муқаддам судланганлар*) ҳақида рақамлардан ташкил топади.

“Прокурор назорати” деб номланган бўлимда иш юритувдаги, тамомланган, тутатилган, тўхтатилган, терговга қайтарилиган жиноят ишлари, суриштирув ва тергов муддатларига оид маълумотлар ва рўйхатлар мавжуд бўлиб, бу суриштирув ва дастлабки тергов фаолияти устидан прокурор назоратини ўрнатиш учун муҳим ҳисобланади.

Ахборот тизимида “назорат ойнаси” бўлими орқали статистик карточкалар ҳаракати акс этади.

Таъкидлаш жоизки, аниқланган ва содир этилган жиноят учун Шакл 1, аниқланган ва содир этилган жиноятнинг очилганлигини ёки тергов ҳаракатларининг бошқа натижаларини (*судга юборилганлиги, тутатилганлиги, тўхтатилганлиги, тегишилилигига кўра юборилганлиги, бирлаштирилганлиги, ажратилганлиги ва бошқа*) ҳисобга олиш учун Шакл 1.1, жиноят содир этган шахсни ҳисобга олиш учун Шакл 2, жиноят ва ижтимоий хавфли қилмиш натижасида жабрланувчини ҳисобга олиш учун Шакл 3 ягона статистик карточкалари тўлдирилади.

“Жиноят ишлари” ойнасида иш бўйича қўлланилган процессуал мажбурлов чораси, хатланган мол-мулк, жиноят иши доирасида юритиладиган қидириув йиғма жилди, адвокатлик сўровига оид маълумотлар мавжуд.

Шунингдек, ахборот тизимида маълумотларни фильтрлаган ҳолда қидириш имконини берувчи бошқа ойналар ҳам акс этган.

“Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими. Таъкидлаш жоизки, жиноятларни тез ва тўла очиш жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

Бу, албатта, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳам тезкорликни талаб этиб, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятида зарур маълумотларни ўз вақтида жамлаб бориш учун масъул ташкилотлар билан идоралараро ҳамкорликни шу тартибда йўлга қўйиш лозимлигини ҳам англаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш ҳам жоизки, жиноятни тез ва тўла фош этишда аҳамиятли маълумотларни ўз вақтида олиш имкониятининг йўқлиги суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида процессуал муддатларнинг ҳам бузилишига сабаб бўлади.

Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПҚ-105-сон қарори билан ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди [13].

Хусусан, Фармон билан суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда ишни судга қадар юритиш масалалари бўйича “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими жорий этилди.

Ахборот тизими орқали жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиши, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор **ахборот алмашинуви** белгиланди.

Суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномалари давлат органлари ва ташкилотларга **электрон хужжат** тарзида юборилиб, уларга жавоблар ҳам шу тарзда қабул қилиниши назарда тутилди.

Шунингдек, жиноий натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг **мол-мулкини хатлаш**, шунингдек, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик хужжатларида белгиланган **чеклов чораларини** ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш ҳам мазкур Ахборот тизими юритилиши кўрсатиб ўтилди.

Қарорга кўра, мазкур Ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви, унинг узлуксиз ишлиши ва ахборот хавфсизлигига масъул этиб Бош прокуратура белгиланиб, Ахборот тизими доирасида

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг рўйхати тасдиқланди.

Бу рўйхат қатъий бўлмасдан, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигига ҳамкорлик қилувчи давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатини кенгайтириш ҳуқуки берилган.

Албатта, мазкур ахборот тизимининг имкониятларини ҳам таҳлил қилишимиз лозим.

Мазкур ахборот тизими сўровлар, таъқиқлар, электрон ҳужжат алмашинуви ва суд-тиббиёт экспертизаси каби бўлимларга бўлинади. Ахборот тизимида маълумотларни ҳужжат рақами, паспорт ва телефон рақами орқали қидириш имконияти яратилган.

“Сўровлар бўлимида” тизимга уланган давлат ташкилотлари орқали турли йўналишларда маълумотлар олиш мумкин. Масалан, туғилганлик, никоҳ, ажрим, шахснинг вафот этганлиги, унинг яқин қариндошлари, чегарани кесиб ўтганлиги, солик қарздорлиги, иш жойи, иш ҳақи, пенсия маълумоти, кадастр органларида рўйхатдан ўтган мулклар, интеллектуал мулк каби маълумотлар.

“Таъқиқлар бўлимида” жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкига, автотранспорт воситаларига нисбатан таъқиқларни онлайн қўйиш имконияти яратилган.

“Электрон ҳужжат алмашинуви” бўлимида эса, процессуал ҳужжатларни ваколатли органларга онлайн юбориш имконияти яратилган.

“Суд тиббиёт экспертизаси” бўлимида экспертиза муассасаси билан идоравий ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Таъкидлашимиз жоиз, бугунги кунда терговга қадар текширув ва суд босқичида ҳам замонавий ахборот-технологиялари имкониятларидан фойдаланиш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилган.

Масалан, жиноятга оид барча ариза ва хабарлар, улар юзасидан қабул қилинган қарорларни алоҳида “e-material” ахборот тизимида рўйхатга олиш тартиби белгиланган.

Ёки, жиноят ишлари бўйича судларда “e-sud” электрон ахборот тизими жорий этилган бўлиб, бугунги кунда ушбу тизим орқали процесс иштирокчиларига чақирув хабарномалари мобиъль телефон рақами орқали электрон тарзда юборилмоқда.

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

Электрон ахборот тизимларининг бу каби имкониятлари ҳақида қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, биз фикр юритаётган тадқиқот иши суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятига алоқадор бўлганлиги сабабли, юқорида айнан ушбу босқич доирасига таалуқли бўлган рақамлаштиришнинг тадрижий ривожланиши масаласига тўхтаидик.

Юқорида келтириб ўтилган рақамлаштириш борасидаги ислоҳотлар таҳлили уларни янада такомиллаштириш бўйича айрим мулоҳазалар қилишга ундайди.

Хусусан, юқорида таъкидланган видеоконференцалоқа режимида айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича белгиланган асослар қаторига экспертни сўроқ қилишни ҳам киритиш масаласи муҳим ҳисобланади.

ЖПКнинг 186-моддасига кўра, экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмаганда, камчиликларни тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки экспер特 фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни ушбу Кодекснинг 98-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга [2].

Бироқ, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг экспертиза муассасаларидан йироқлиги ушбу тергов ҳаракатини ўтказиша бир қатор муаммоларни (*транспорт, вақт ва бошқа*) юзага келтиради.

Масалан, қасдан одам ўлдириш жиноятлари бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатларида шахснинг руҳий соғломлигини аниқлаш мақсадида ўткадиган экспертиза муассасаси фақат Тошкент шаҳрида жойлашган. Ёки, X.Сулаймонова номидаги суд экспертизалари туман (шахар)ларда ташкил этилмаган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91¹-моддаси биринчи қисмини қуйидагича таҳирлаш **таклиф этилади:**

“91¹-модда. Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш.

Биринчи қисм:

“Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (*сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш*) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради”.

Ўйлаймизки, мазкур ўзгаришнинг киритилиши суриштирув ва дастлабки тергов органлари, судлар ва экспертиза муассасалари ўртасида яқиндан ҳамкорликни янада кучайтириб, кўплаб юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қиласди.

Яна бир муҳим масала айнан электрон ахборот тизимларининг ўзи билан боғлиқ.

Юқорида таъкидланган норматив-ҳуқуқий хужжатларда терговга қадар текширувдан жазони ижро этиш босқичигача бўлган жараён “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими орқали рақамлашиши белгиланган. Бироқ, ушбу талабнинг тугал ижросини мазкур ахборот тизимида тўлиқ акс этган деб бўлмайди.

Ёки, ушбу тизимларнинг номланишида “ягона” сўзининг такрорланиши ҳам мақсадга тўлиқ мувофиқ эмас. “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” атамасини қўллаш ҳам ноўрин бўлиб, унинг ўрига “Суриштирув ва дастлабки тергов” ягона электрон ахборот тизими деб номлаш мантиқан тўғри бўлади.

Қолаверса, жиноят ишининг суриштируви ёки дастлабки тергови дастлаб жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг кўриб чиқилиши билан боғлиқлиги, унинг асли натижаси эса, суд ҳукми билан белгиланиши, жазонинг реал ижроси эса, ундан кўзланган мақсадга эришишда муҳим эканлигини ҳамда электрон тизимлардан фойдаланувчи шахслар учун қулайлик яратишни инобатга олиб, барча электрон тизимларни ягона тизимга бирлаштириш **таклиф этилади**.

Фикримизча, келгусида “Электрон жиноят иши” ягона ахборот тизимида ушбу таклифларни амалга ошириш истиқболи мавжуд бўлиб, унда жиноят ишининг ижро босқичигача бўлган ҳаракати, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги, жиноят ишлари юзасидан юритиладиган статистик ҳисботлар каби имкониятлар мажмую билан қамраб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўринида қайд этиш жоиз, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида шу вақтга қадар қабул қилинган концептуал асослар, жорий этилган норматив-ҳуқуқий нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, суриштирув ва

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

дастлабки тергов босқичини рақамлаштириш орқали бу босқични тобора ривожлантириб бориш ва натижада жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилишини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш масаласи доимо долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Албатта, бу жараён технологияларнинг янги имкониятлари яратилиши билан мувофиқ тарзда мукаммаллашиб бораверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2018 йилдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сон Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг 23.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-542-сон Қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг 27.02.2024 йилдаги “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги ЎРҚ-915-сон Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5566-сон Фармони;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2020 йилдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Issue 5. May 2024

соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идораларо электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарори;

14. Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Миллий гвардиянинг 30.12.2018 йилдаги қарори билан тасдиқланган “Электрон жиноий-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом;

15. А.П.Юшкевич, История математики в средние века, М., 1961;

16. Б.П.Хромой. Некоторые исторические аспекты цифровизации. Текст научной статьи по специальности “Искусствоведение”. Экономика и качество систем связи. 2020;

17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.
<https://izoh.uz/uz/word/tadrijiy?ysclid=lvif2s4amb817800285>];

18. https://orbita.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=50:pfagor&catid=63:otmishning-buyuk-olimlari&Itemid=92;

19. <https://kun.uz/news/2018/10/29/kun-sanasi-29-oktabr-internet-pajdonbulgan-kun?ysclid=lv8jeqslj515908642>;

20. www.lex.uz.